



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VETERINARIYA VA CHORVACHILIKNI
RIVOJLANTIRISH QO'MITASI**

**SAMARQAND DAVLAT VETERINARIYA MEDITSINASI,
CHORVACHILIK VA BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI NUKUS
FILIALI**

**"VETERINARIYA MEDITSINASI VA CHORVACHILIKDAGI DOLZARB
MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI" mavzusidagi xalqaro
ilmiy va ilmiy-texnik konferensiya materiallari**

TO'PLAMI

13-noyabr 2025-yil

СБОРНИК материалов

**международной научно и научно-технической конференции на тему
"АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ И
ЖИВОТНОВОДСТВА И ИХ РЕШЕНИЯ"**

13 ноября, 2025 г

**International scientific and scientific-technical conference
"ACTUAL PROBLEMS OF VETERINARY MEDICINE AND LIVESTOCK
AND THEIR SOLUTIONS"**

November 13, 2025

NUKUS-2025

“Veterinariya meditsinasi va chorvachilikdagi dolzarb muammolar va ularning yechimlari”
Xalqaro ilmiy va ilmiy-texnik konferensiyasi materiallari [Matn]: to‘plam / Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti Nukus filiali. – Nukus: “Golden Print Nukus” nashriyoti, 2025. – 389 b.

Anjuman tashkiliy qo‘mitasi

Tashkiliy qo‘mita raisi: Esimbetov Adilbay Tlepovich, b.f.d., professor;

Tashkiliy qo‘mita raisi muovini: Avezimbetov Shavkat Dosumbetovich, v.f.n.;

Tashkiliy qo‘mita kotibi: Rozumbetov Kenjabek Umar og‘li, b.f.f.d.;

D. Bazarbayeva – “Veterinariya diagnostikasi va oziq-ovqat xavfsizligi” kafedrasida katta o‘qituvchisi, biologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD).

Tashkiliy qo‘mita a‘zolari:

Sh. Jabbarov – O‘zbekiston Respublikasi Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish qo‘mitasi boshqarmasi boshlig‘i o‘rinbosari, veterinariya fanlari doktori, professor.

X. Yunusov – Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti rektori, biologiya fanlari doktori, professor.

M. Y. Karpuxin – Ural davlat agrar universitetining ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha prorektori, agrar fanlar doktori, dotsent (Rossiya Federatsiyasi)

N. G. Malkov – N. F. Vereshagin nomidagi Vologda davlat sutchilik akademiyasi rektori, texnika fanlari nomzodi, dotsent (Rossiya Federatsiyasi)

A. Abdurasulov – Qirg‘iziston Respublikasi O‘sh davlat universiteti “Veterinariya meditsinasi va biotexnologiyasi” kafedrasida mudiri, qishloq xo‘jalik fanlar doktori, professor. (Qirg‘iziston Respublikasi)

R. Miqtibayeva – Qozog‘iston milliy agrar tadqiqot universiteti “Mikrobiologiya va virusologiya” kafedrasida professori, veterinariya fanlari nomzodi. (Qozog‘iston Respublikasi)

S. Mirzakulov – Olmaota texnologiya universiteti “Oziq-ovqat mahsulotlari texnologiyasi” kafedrasida professori, qishloq xo‘jalik fanlar doktori, dotsent. (Qozog‘iston Respublikasi)

Q. Atanazarov – O‘quv ishlari bo‘yicha direktor o‘rinbosari, biologiya fanlari nomzodi, dotsent.

A. Mambetnazarov – Ilmiy tadqiqotlar, innovatsiyalar va ilmiy-pedagog kadrlarni tayyorlash bo‘limi boshlig‘i, qishloq xo‘jalik fanlar doktori, dotsent.

A. Kaniyazov – “Veterinariya va zootexnologiya” fakulteti dekani, biologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD).

X. Mamatov – “Zootexnologiya” kafedrasida mudiri, qishloq xo‘jalik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD).

R. Turg‘anbayev – “Zootexnologiya” kafedrasida professori, agrar fanlar doktori

A. Kamalova – “Veterinariya meditsinasi va farmakologiyasi” kafedrasida mudiri, veterinariya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD).

P. Xojalepesov – “Iqtisodiyot va gumanitar fanlar” kafedrasida mudiri, iqtisod fanlari nomzodi, dotsent.

R. Rzaev – “Veterinariya diagnostikasi va oziq-ovqat xavfsizligi” kafedrasida mudiri, biologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent.

Ushbu to‘plam O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2024-yil 27-dekabrda 490-son buyrug‘i bilan oliy ta‘lim tashkilotlari hamda ilmiy tashkilotlarda 2025-yilda o‘tkaziladigan xalqaro va respublika miqyosidagi ilmiy anjumanlar, simpoziumlar, seminarlar va boshqa ilmiy hamda ilmiy-texnik tadbirlar ro‘yxati 2-ilovasiga muvofiq tasdiqlangan – 2025-yilda xalqaro miqyosida o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik tadbirlar rejasi asosida Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti Nukus filialida 2025-yil 13-noyabr kuni – **“Veterinariya meditsinasi va chorvachilikdagi dolzarb muammolar va ularning yechimlari”** mavzusida o‘tkazilgan Xalqaro ilmiy va ilmiy-texnik konferensiyasi materiallari asosida tuzilgan.

Konferensiyada, veterinariya sohasida faoliyat olib borayotgan universitet va filialarning professor-o‘qituvchilari, ilmiy markazlarning va insitutlarning ilmiy xodimlari, doktorantlar, magistrantlar, iqtidorli yosh tadqiqotchilarning ilmiy-tadqiqot ishlariga bag‘ishlangan maqolalar o‘rin olgan

To‘plamga kiritilgan maqolalar materiallarining to‘g‘riligi va haqqoniyligiga mualliflar mas‘ul hisoblanadi.

© Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va
biotexnologiyalar universiteti Nukus filiali, 2025

© “Golden Print Nukus” nashriyoti, 2025

16. Shakarboev, E., Safarova, F., Azimov, D., & Urimbetov, A. (2015). FAUNA, ECOLOGY AND TAXONOMY OF CYPRINIFORMES FISH HELMINTHS IN UZBEKISTAN. The Journal of Microbiology, Biotechnology and Food Sciences, 5(1), 88.

ТУРЛИ ГЕНОТИПГА МАНСУБ СИММЕНТАЛ ЗОТЛИ БУҚАЧАЛАРНИНГ ЭКСТЕРЬЕР КЎРСАТКИЧЛАРИ

Мадрахимов Ш.Н., Маматов Х.А., Кошенова У.К., Калиев Б.А.

*Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялари университети
Нукус филиали*

Кириш. Маълумки, бугунги кунда қорамол гўшти етиштириш асосан сут, сут-гўшт ва гўшт-сут йўналишидаги қорамол зотлари ва уларнинг ўзаро чатиштиришдан олинган турли генотипдаги авлодларидан олинмоқда.

Республикамизга олиб келинаётган сут-гўшт йўналишидаги сигирларни гўшт йўналишидаги буқалар уруғлари билан саноат асосида чатиштириш усули, чорвачиликда қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлигини янада ошириш ва унинг сифатини яхшилаш ҳамда гўшт ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришга қаратилган муҳим истиқболли усуллардан бири бўлиб, бу борада мавзу долзарб ҳисобланади.

Ҳар қандай қорамол зотларнинг селекция белгилари, узоқ давомли селекция ишлари натижасида бир биридан фарқ қилади. Симментал зотли ва уларнинг саноат асосида чатиштиришдан олинган биринчи бўғин (F_1) дурагай бузоқларининг экстерьер кўрсаткичлари улар танасининг яхши ривожланганлигидан далолат беради ва тирик вазни кўрсаткичи билан узвий боғлиқ бўлади, бу эса ривожланишини баҳолашда экстерьер кўрсаткичларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг мақсади сут-гўшт маҳсулдорлик йўналишидаги симментал зотли сигирларни саноат асосида чатиштиришдан олинган биринчи бўғин (F_1) дурагай авлодларнинг экстерьер кўрсаткичларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотларни ўтказиш жойи, объекти ва услуби. Тадқиқотлар 2020-2023 йиллар давомида Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тизимидаги “Сардоба темир йўл агросаноат мажмуаси” унитар корхонасида олиб борилмоқда.

Симментал зотли сигирларни гўшт йўналишидаги абердин-ангус, лимузин ва шароле зотли буқалар уруғи билан саноат асосида чатиштириш натижасида олинган биринчи бўғин (F_1) дурагай авлодларни тўрт гуруҳга бўлиб **I гуруҳга соф зотли симментал, II гуруҳга $\frac{1}{2}$ абердин-ангус х $\frac{1}{2}$ симментал, III гуруҳга $\frac{1}{2}$ лимузин х $\frac{1}{2}$ симментал ва IV гуруҳга $\frac{1}{2}$ шароле х $\frac{1}{2}$ симментал** эркак бузоқлар ҳар бири гуруҳга 10 бошдан танлаб олинди.

Симментал зотли сигирларни саноат усулида гўшт йўналишидаги буқалар уруғлари билан чатиштириш натижасида олинган биринчи бўғин (F_1) дурагай буқачаларнинг 16 ойлигида 9 та тана ўлчамларини (яғрин баландлиги, сағри баландлиги, кўкрак чуқурлиги, кўкрак айланаси, кўкрак кенлиги, тананинг қия узунлиги, орқа дўнг суяк эни, орқанинг ярим айланаси (Грегори усулида) ва пойча айланаси) ҳамда улар асосида тана тузилиш индексларини зоотехнияда қабул қилинган қуйидаги усуллар ёрдамида ҳисоблаб чиқилди.

$$\text{Узуноёқлилик} = \frac{\text{яғрин баландлиги} - \text{кўкрак чуқурлиги}}{\text{яғрин баландлиги}} \times 100$$

$$\text{Чўзинчоқлик} = \frac{\text{кўкрак кенлиги}}{\text{яғрин баландлиги}} \times 100$$

$$\begin{aligned} \text{Кўкракдорлик} &= \frac{\text{кўкрак кенглиги}}{\text{кўкрак чуқурлиги}} \times 100 \\ \text{Тос – кўкрак} &= \frac{\text{кўкрак кенглиги}}{\text{Орқа дўнг суяк кенглиги}} \times 100 \\ \text{Зичлик} &= \frac{\text{кўкрак айланаси}}{\text{гавданинг қия узунлиги}} \times 100 \\ \text{Суякдорлик} &= \frac{\text{поча айланаси}}{\text{яғрин баландлиги}} \times 100 \\ \text{Гўштдорлик} &= \frac{\text{Орқа қисмининг ярим айланаси}}{\text{яғрин баландлиги}} \times 100 \\ \text{Ўсувчанлик} &= \frac{\text{Сағри баландлиги}}{\text{яғрин баландлиги}} \end{aligned}$$

Олинган маълумотлар Microsoft Excel 2010 компьютер дастури ёрдамида А.М.Яковенко, Т.И. Антоненко, М.И.Селионова (2013) усулида қайта биометрик ишлов берилди.


Тадқиқот натижалари ва таҳлили. Саноат асосида чатиштиришдан олинган F_1 дурагай букачаларнинг экстерьер кўрсаткичларини ўрганиш уларнинг тирик вазни, маҳсулдорлик йўналишларини аниқлашда ва гўшт маҳсулдорлигини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, букачаларнинг ушбу кўрсаткичлари уларнинг тана тузилиши хилини баҳолашда ҳам катта аҳамиятга эга. Биз саноат асосида чатиштиришдан олинган F_1 дурагай букачаларнинг 16 ойлигидаги экстерьер ўлчамларини ўргандик ва 1-жадвалда келтирдик.

1-жадвал

Тажриба гуруҳидаги букачаларнинг 16 ойлигидаги тана ўлчамлари, см

$(\bar{X} \pm S_x)$ Кўрсаткичлар	Гуруҳлар, (n=10)			
	I	II	III	IV
Яғрин баландлиги	124,1 $\pm$ 0,99	123,3 $\pm$ 1,15	124,4 $\pm$ 0,96	123,8 $\pm$ 0,80
Сағри баландлиги	126,8 $\pm$ 0,95	125,5 $\pm$ 1,12	126,5 $\pm$ 0,91	125,6 $\pm$ 0,76
Кўкрак чуқурлиги	66,1 $\pm$ 0,55	69,1 $\pm$ 0,53***	69,7 $\pm$ 0,58***	69,3 $\pm$ 0,47***
Кўкрак айланаси	174,9 $\pm$ 0,94	178,4 $\pm$ 0,69**	179,3 $\pm$ 0,67***	178,9 $\pm$ 0,55***
Кўкрак кенглиги	40,6 $\pm$ 0,62	41,8 $\pm$ 0,53*	42,6 $\pm$ 0,37**	42,2 $\pm$ 0,33**
Тананинг қия узунлиги	147,1 $\pm$ 0,48	147,9 $\pm$ 0,57	149,2 $\pm$ 0,53*	148,8 $\pm$ 0,47*
Орқа дўнг суяк кенглиги	41,1 $\pm$ 0,28	42,1 $\pm$ 0,31*	42,3 $\pm$ 0,30**	41,5 $\pm$ 0,27
Орқанинг ярим айланаси (Грегори)	106,9 $\pm$ 0,57	110,2 $\pm$ 0,61**	109,9 $\pm$ 0,64**	108,9 $\pm$ 0,31**
Пойча айланаси	20,5 $\pm$ 0,22	19,9 $\pm$ 0,23	20,1 $\pm$ 0,23	20,2 $\pm$ 0,20

Эслатма: *P<0,05; **P<0,01; ***P<0,001



1-Яғрин баландлиги, 2-Сағри баландлиги, 3-Кўкрак чуқурлиги, 4-Кўкрак айланаси, 5-Кўкрак кенглиги, 6-Тананинг қия узунлиги, 7-Орқа дўнг суяк кенглиги, 8-Орқа қисмининг ярим айланаси, 9-Пойча айланаси.

1-расм. Тажриба гуруҳларидаги симментал ва F₁ дурагай букачаларнинг 16 ойлик даврида тана ўлчамларининг график (чизма) усулидаги экстерьер кўрсаткичлари.

1-жадвал ва 1-расм маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, саноат асосида чатиштиришдан олинган F₁ дурагай букачаларни тана тузилишини ифодалайдиган тана ўлчамлар фарқи букачаларни ёшлигидан бошлаб, уларнинг гўшт маҳсулдорлиги билан бевосита боғлиқда бўлди. Хусусан, саноат асосида чатиштиришдан олинган II гуруҳ ($\frac{1}{2}$ абедин-ангус х $\frac{1}{2}$ симментал); III гуруҳ ($\frac{1}{2}$ лимузин х $\frac{1}{2}$ симментал) ва IV гуруҳ ($\frac{1}{2}$ шароле х $\frac{1}{2}$ симментал) биринчи бўғин (F₁) дурагай букачалар ўз тенгкурлари I гуруҳ соф симментал зотли букачаларга нисбатан 16 ойда яғрин баландлиги тегишли равишда 0,8 см ёки 0,6% га ва 0,3 см ёки 0,2% га сағри баландлиги 1,3 см ёки 1,0% га, 0,3 см ёки 0,2% га ва 1,2 см ёки 1,0% га кам бўлган бўлса қолган тана ўлчамлари аксинча, II гуруҳ ($\frac{1}{2}$ абедин-ангус х $\frac{1}{2}$ симментал); III гуруҳ ($\frac{1}{2}$ лимузин х $\frac{1}{2}$ симментал) ва IV гуруҳ ($\frac{1}{2}$ шароле х $\frac{1}{2}$ симментал) F₁ дурагай букачалар ўз тенгкурлари I гуруҳ соф симментал зотли букачаларга нисбатан кўкрак чуқурлиги тегишли равишда 3,0 см ёки 4,5% га ($P<0,001$); 3,6 см ёки 5,4% га ($P<0,001$) ва 3,2 см ёки 4,8% га ($P<0,001$), кўкрак айланаси 3,5 см ёки 2,0% га ($P<0,01$); 4,4 см ёки 2,5% га ($P<0,001$) ва 4,0 см ёки 2,3% га ($P<0,001$), кўкрак кенглиги 1,2 см ёки 2,9% га ($P<0,05$); 2,0 см ёки 4,9% га ($P<0,01$) ва 1,6 см ёки 3,9% га ($P<0,01$), тананинг қия узунлиги 0,8 см ёки 0,5% га; 2,1 см ёки 1,4% га ($P<0,05$) ва 1,7 см ёки 1,2% га ($P<0,05$) ҳамда орқа қисмининг ярим айланаси 3,3 см ёки 3,1% ($P<0,01$); 3,0 см ёки 2,8% га ($P<0,01$) ва 2,0 см ёки 1,9% га ($P<0,01$) юқори бўлганлиги аниқланди.

Саноат асосида чатиштиришдан туғилган дурагай букачаларнинг туғилганидан 16 ойлик ёшигача тана ўлчамларининг ривожланиш коэффициенти 2-жадвалда келтирилади.

2-жадвал

Симментал ва F₁ дурагай букачаларни туғилгандагига нисбатан 16 ойлигида тана ўлчамларининг ривожланиш коэффициенти, марта

Тана ўлчамлари	Гуруҳ			
	I	II	III	IV
Яғрин баландлиги	1,71	1,73	1,75	1,73
Сағри баландлиги	1,69	1,68	1,68	1,66
Кўкрак чуқурлиги	2,20	2,42	2,23	2,28
Кўкрак айланаси	2,36	2,34	2,25	2,25
Кўкрак кенглиги	2,37	2,36	2,28	2,24

Тананинг қия узунлиги	2,06	1,98	1,98	2,00
Орқа дўнг суяк кенглиги	2,47	2,54	2,42	2,33
Орқа қисмининг ярим айланаси	2,51	2,52	2,32	2,27
Пойча айланаси	1,90	1,75	1,69	1,80

2-жадвал таҳлили шуни кўрсатдики, тажриба давомида букачаларнинг тана ўлчамлари ўртача 1,66-2,54 баробарга катталашди.

Жумладан, экстерьер кўрсаткичлари туғилганидан 16 ойлигигача бўлган даврда асосан саноат асосида чатиштиришдан олинган II; III ва IV гуруҳ F₁ дурагай букачаларнинг кўкрак чуқурлиги 2,23-2,42 баробарга, кўкрак айланаси 2,25-2,34 баробарга, кўкрак кенглиги 2,24-2,36 баробарга, тананинг қия узунлиги 1,98-2,00 баробарга, орқа дўнг суяк кенглиги 2,33-2,54 баробарга ва орқа қисмининг ярим айланаси 2,27-2,52 баробарга ҳамда яғрин ва сағри баландлиги 1,66-1,75 баробарга ва пойча айланаси 1,69-1,75 баробарга катталашди.

Тана тузилиш ўлчамлари асосида, ҳайвонларнинг бир ўлчамини иккинчи бир ўлчамга нисбатини характерлайдиган тана тузилиш индекслари ҳисобланади. Айнан тана тузилиш индекслари ҳайвонни экстерьерини тўлиқ баҳолаш имконини беради. Шунинг учун ҳам биз, соф симментал зотли ва уларни саноат асосида чатиштиришдан олинган F₁ букачаларнинг тажриба охирида (16 ойлигида) тана ўлчамлари кўрсаткичларига асосан тана тузилиш индексларини ҳисоблаб, қуйидаги 3-жадвалда келтирдик.

3-жадвал

**Симментал ва F₁ дурагай букачаларнинг 16 ойлигида
тана тузилиш индекслари, %**

Тана тузилиш индекслари	Гуруҳ			
	I	II	III	IV
Узуноёқлик	46,7	44,0	44,0	44,0
Чўзинчоқлик	118,5	120,0	119,9	120,2
Тос-кўкрак	98,8	99,3	100,7	101,7
Кўкракдорлик	61,4	60,5	61,1	60,9
Зичлик	118,9	120,6	120,2	120,2
Суякдорлик	16,5	16,1	16,2	16,3
Гўшторлик	86,1	89,4	88,3	88,0
Ўсувчанлик	102,2	101,8	101,7	101,5

3-жадвал маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, букачаларни 16 ойлигида II; III ва IV гуруҳлардаги F₁ дурагай букачалар ўз тенгқурлари I гуруҳ соф симментал букачаларга нисбатан гўшторлигини ифодалайдиган чўзинчоқлик, тос-кўкрак, зичлик ва гўшторлик тана тузилиш индекслари юқори бўлди. Жумладан, чўзилувчанлик тана тузилиш индекси тегишли равишда 1,5; 1,4 ва 1,7% га, тос-кўкрак 0,5; 1,9 ва 2,9% га, зичлик 1,7; 1,3 ва 1,3% га ҳамда гўшторлик 3,3; 2,2 ва 1,9% га устунлик қилди.

Хулоса. Гўшт йўналишидаги абердин-ангус, лимузин ва шароле зотли букачаларни симментал зотли сигирлар билан саноат усулида чатиштириш натижасида олинган биринчи бўғин (F₁) дурагай букачаларнинг 16 ойлик ёшидаги тана ўлчамлари ва тана тузилиш индекслари соф симментал, зотли тенгқурларникидан юқори бўлганлиги аниқланди. Бу эса барча гуруҳлардаги биринчи бўғин (F₁) дурагай букачалар яхши ривожланган кўкрак, гўшторлик кўрсаткичларига ва мутаносиб тана тузилишига эга бўлганлигидан ҳамда гўшторлик хилига мансублигидан далолат берганлигини кўрсатди.

Фойдананилган адабиётлар.

1. Свириденко Н.П. Экстерьерные особенности бычков пород абердин-ангусская, волынская мясная и шароле в Украине. //Вестник мясного скотоводства. 2015 г., 3 (91), с. 24-29.
2. Собиров П.С., Дўсткулов С.Д. Генетика асослари ва чорва молларини урчитиш. Тошкент, 1989 й., “Меҳнат” 221-228 б.
3. Рўзиев Н.Р. Қизил чўл ва англери зотлари генотипидаги сигирларнинг селекция белгиларини тирик вазни ва ташқи муҳит омилларидан фойдаланиб такомиллаштириш. // Қишлоқ хўжалик фанлари доктори дисс. Тошкент, 2016 й. 88-92 б.
4. Мадрахимов Ш.Н., Рўзиев Н.Р. “Саноат асосида чатиштиришдан олинган F₁ дурагай авлодларининг ўсиш кўрсаткичлари”. //Ж. “Chorvachilik va naslchilik ishi” 2022 й. №04, 9-11 б.
5. Яковенко А.М., Антоненко Т.И., Селионова М.И. Биометрические методы анализа качественных и количественных признаков в зоотехнии. //Ставрополь, Агрис, 2013 г., с. 91.
6. Бобокулов, Н., Хатамов, А., Абдузоирова, Д., Юсупов, А., Уримбетов, А. и Олмасов, Б. (2021). Мясная продуктивность овец в Узбекистане и её связь с различными факторами. В *E3S Web of Conferences* (т. 258, с. 04020). EDP Sciences.
7. Шакарбоев, Э. Б., Азимов, Д. А., Голованов, В. И., Кузнецов, Д. Н., Урымбетов, А. А., & Каниязов, А. Ж. (2017). Гельминты лошадей Узбекистана. Ветеринария, (5), 29-32.
8. Уримбетов, А. А., & Бобокулов, Н. А. (2024). Молочность каракульских овец окраски сур каракалпакского породного типа. Овцы, козы, шерстяное дело, (1), 24-26.
9. Уримбетов, А. А. (2019). Репродуктивный потенциал каракульских овец сур каракалпакского породного типа в зависимости от условий содержания на северо-западе Кызылкумов. Экологический Вестник Северного Кавказа, 15(4), 91-93.
10. Shakarboev, E., Safarova, F., Azimov, D., & Urimbetov, A. (2015). FAUNA, ECOLOGY AND TAXONOMY OF CYPRINIFORMES FISH HELMINTHS IN UZBEKISTAN. The Journal of Microbiology, Biotechnology and Food Sciences, 5(1), 88.
11. Nurmanov, K., & Nurmanov, D. A. (2025). PENSIYA JAMG ‘ARMALARIDA HISOBNI TASHKIL ETISH VA XARAJATLAR SMETASI IJROSI BO ‘YICHA HISOBOTI TAHLILI. *MUHANDISLIK VA IQTISODIYOT*, 3(12).
12. Nurmanov, DA O 'zbekiston Pensiya Tizimida Pensiya Hisoblash Va To'lashni Rivojlantirishda Xorijiy Mamlakatlar Tajribasini Uyg'unlashtirish. *Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot* , 2 (1), 664247.
13. Tileubayevich, N. D. A. (2024). PENSIYA TAYINLASH VA TO ‘LASH MUOMALALARINING ANALITIK VA SINTETIK HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH. *Scientific Journal of Actuarial Finance and Accounting*, 4(02), 254-262.
14. Nurmanov, D. A. Issues of Improving Accounting and Reporting of Expenses in Off-budgetary Pension Funds. *Economic Development and Analysis*, 2(1), 425-432.